

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН
КРЕДИТЛАРНИ ҚАЙТМАСЛИГИНИ СУГУРТА ҚИЛИШ 25-55/210003-сонли БОШ ШАРТНОМАСИ
(АТБ Халк банк Амударя тумани филиали томонидан берилган кредитлар учун)**

2022 й. « 05 » январ

Нукус ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 12.09.2013 йилдаги СФ-серияли №00183-сонли Лицензияси ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи, келгусида "Сугурталовчи" деб аталадиган «IShONCh» Банклараро сугурта компанияси МЧЖ ҚҚ номидан 2022 йил «05» январдаги 12-сонли ишончнома асосида ҳаракат килувчи Коракалпогистон Республикаси филиали Дириектори Жалалов Б, бир томондан ва келгусида "Сугурта қилдирувчи" деб аталадиган ишончнома асосида ҳаракат килувчи АТБ "Халк банк" Амударя тумани филиали бошлиги Садикова Шахида Саидхамедовна иккинчи томондан, ушбу Ўзбекистон Республикаси Давлат Дастурларини амалга ошириш бўйича бериладиган кредитлар қайтмаслиги хатаридан сугурта килиш шартномасини кўйидагилар тўғрисида тувиши.

1-БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ Сугурталовчи Бош шартноманинг биринчи иловасида курсатилган карздорларнинг кредит шартномасига кура карзини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажарилмаслиги натижасида Сугурта қилдирувчига етказилган зарарни кўйида кўрсатилган тартибда ва ҳажмда коплаб бериш мажбуриятини олади, бунда Сугурта қилдирувчи мазкур Сугурта шартномасида белгиланган микдорда ва муддатларда сугурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади, ҳамда ушбу Шартноманинг ажралмас кисми бўлган Сугурталовчига тақдим этилган Аризада (илова № 1) келтирилган маълумотларнинг ҳакконийлигини тасдиқлади.

2-БОБ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Сугурталовчи – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 12.09.2013 йилдаги СФ 00183-сонли Лицензияси ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи «IShONCh» Банклараро сугурта компанияси МЧЖ.

Сугурта қилдирувчи - Сугурта шартномасини тузаттган, сугурта мукофотини тўлаётган ва Сугурталовчи билан аник сугурта муносабатларига кираётган банк ташкилоти.

Сугурта шартномаси – Сугурта қилдирувчи Сугурта шартномасида белгиланган тартиб ва микдорда сугурта мукофотини тўлаши шарти билан, сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига зарарларини коплаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини тасдиқловчи Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма келишув. Сугурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиснолар, алоҳида келишилган шартлар Сугурта шартномасининг ажралмас кисмлари хисобланади.

Сугурта Полиси – Сугурта қилдирувчига сугурта мукофотини ёки унинг келишилган кисмини Сугурталовчига тўлаганидан сўнг бериладиган ва мазкур Шартнома талабларига мувофиқ сугурта Шартномаси тузилганинг тасдиқловчи хужкат (илоба №2).

Карздор – Кредит шартномасида номи кўрсатилган муюмала лаёкатига эга бўлган жисмоний шахс ёки юридик шахс.

Кредит шартномаси - Сугурта қилдирувчи ва Карздор ўртасида шартномаси.

Сугурта пули – ушбу сугурта Шартномасининг 5.1-бандида кўрсатилиб, Сугурталовчи ушбу микдор доирасида тўлайдиган пул маблаглари микдори.

Сугурта мукофоти – сугурта Шартномасида кўрсатилган ва Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига мазкур сугурта Шартнома билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблаглари микдори.

Сугурта ходисаси – Сугурта шартномасида назарда тутилди, хужжатлар билан тасдиқланган ва сугурта даври ва худудида ҳакикатан рўй бериши оқибатида Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ходиса.

Сугурта товони – Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур сугурталаш Шартномасига мувофиқ Сугурталовчига сугурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблаглари микдори.

Сугурта даври - сугурта Полиси амал килиш даври. Сугурталовчининг сугурта ходисалари бўйича мажбуриятлари факат сугурта Полисида кўрсатилган сугурта даврида амал киласи.

Кутини даври – Сугурта қилдирувчининг кредит кайтирилиш жадвалига асосан асосий ва фоиз тўловлардан юзага келган муддати ўтган карздорликлар бошланган 60 (олтмиш) календарь куни давомида ушбу муддати ўтган карздорликларни тўланиши юзасидан зарурый тадбирларни амалга оширилиш даври.

Зарар – Карадорниг Сугурталовчи олдиаги мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида Сугурталовчи томонидан тўлиқ қайтариб олинмаган пул маблаглари йигиндиси ва сугурта даврида берилган кредит бўйича Карадорликларни тўланиши юзасидан Сугурталовчига қайтарилмаган асосий карз қуммаси хисобланади.

Зарар санаси - кутиш даври тугагандан кейинги биринчи кун.

3-БОБ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Сугурта ҳодисаси бўлиб, Қарздорнинг баҳтсиз ҳодиса оқибатида рўй берган ўлими ёки баҳтсиз ҳодиса оқибатида меҳнат кобилиятини йўқотиши (I ва II гурух ногиронлиги) вужудга келиши натижасида Сугурта килдирувчига кредит шартномасида кўрсатилган шартларда ва мuddатларда 60 (олтмий) кундан ортик муддат ичидаги тўловларни ўз вактида тўлай олмаслиги хисобланади.

3.2. Сугурта ҳодисаси рўй беришининг асосий шарти бўлиб, қарздорнинг тўловга кобилиятсизлиги ўлим гувохномаси асосида ёки ўз меҳнат қобилиятини йўқотиши (I ва II гурух ногиронлиги) Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тизимидағи мустакил таркибий бўлинмаси бўлган “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари”нинг шахсни ногирок деб зътироф этиши бўйича ҳулосаси/карори асосида тан олинади.

4-БОБ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур сугурта шартномасига мувофиқ кредитнинг тўлиқ ёки кисми максадсиз ёки кредитлаш коидалари ва кўлланмасига амал килмаслик оқибатида ўз вактида сўндирилмагандা Сугурталовчи мазкур сугурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

4.2. Куйидаги холларда Сугурталовчи Сугурта килдирувчига ҳодисани сугурта ҳодисаси деб тан олишни ва сугурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

- Сугурта килдирувчи Сугурталовчига Сугурта шартномасини тузиш ҳакидаги карорни кабул килишига асос бўладиган маълумотларни тақдим этмаган ҳолда сугурта қалтислиги ҳакида карор чикариш учун мухим аҳамиятга эга тафсилотлар ҳакида нотўрги маълумотларни тақдим этса;

- агар Сугурта килдирувчи ушбу шартнома шартларини бузса;

- агар Сугурта килдирувчи ва/ёки Қарздор томонидан сугурта ҳодисасининг юз беришига олиб келган суд хукми билан тасдиқланган жиноят содир этилган бўлса;

- агар Сугурта килдирувчи Сугурталовчининг сугурта шартномасидан келиб чикадиган хукуқ ва мажбуриятларни амалга оширишига розилик бермаса ёки тўскинлик килса.

- 4.3. Сугурталовчи куйидаги холларда сугурта товонини тўлашни рад этиши хукукига эга:

- агар сугурта шартномасининг муддати сугурта ҳодисаси юз бергунга қадар тугаган бўлса, жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодексининг 948-моддасида кўрсатилган ҳолатларга асосланган ҳолда.

- 4.4. Сугурта товони куйидагиларга нисбатан кўлланмайди:

- 4.4.1. Кредит шартномаси амал килиш даврида Қарздорга ҳисобланган, лекин у томонидан тўланмаган кредитдан фойдаланганлик учун жарима, суд харажатлари ва бошқа харажатлар;

- 4.4.2. Сугурта килдирувчи томонидан ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишга сарфланган харажатлар;

- 4.4.3. Сугурта килдирувчи томонидан кредитни сўндириш муносабати билан тўловлар, ўтказмалар, пул маблагларини етказиб бериш ва бошқа операцияларни хатолик билан амалга оширилиши натижасида вужудга келган заарлар;

- 4.4.4. Сугурталовчи куйидагилар оқибатида вужудга келган заарларни коплаш бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

- a) кредит маблагларини кредит шартномасида курсатилмаган ёки кредит шартномасида техник-иктисодий асосланмаган харажатларни коплашга ишлатиш;

- 4.4.5. Сугурталовчи куйидаги холларда жавобгарлик олиб бормайди:

- a) Қарздор сугурта шартномаси имзоланаётган вактда унинг муддати ўтган кредит қарздорлиги мавжуд бўлса;

- б) Сугурта килдирувчи ёки Қарздор сугурта шартномаси амал килиш даврида Ҷолов муддатини, кредит даврини, кредит шартномасининг бошқа шартларини ўзгартирса ёки кенгайтиrsa ва бу ҳакида Сугурталовчини ёзма равища огохлантирмаган бўлса;

- в) Қарздор кредитдан тўлиқ ёки кисман кредит шартномасида кўрсатилган максадлардан бошқа максадларда фойдалана.

- 4.4.6. Куйидагилар натижасида бевосита ёки билвосита рўй берган ҳодисалар сугурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

- a) Сугурта худудидан ёки Сугурта давридан ташкарида рўй берган баҳтсиз ҳодисалар;

- б) эпидемиялар;

- в) алкоголь маҳсулотларини истеъмол килиш ёки наркотик моддаларни истеъмол килиш натижасида заҳарланиш, Қарздор маст ҳолатнинг ҳар қандай тuri ёки мастилик билан боғлик ҳар қандай харакатлар оқибатида тан жароҳати олиши ва оқибати ўлим билан тугаши;

- г) Қарздор бошқариш учун хайдовчилик гувохномасини талаб этадиган автомототранспорт воситасини бундай гувохномасиз хайдаши оқибатида тан жароҳати олиши ва оқибати ўлим билан тугаши;

- д) Қарздорнинг ўз жонига қасд килиши.

- 4.4.7. Барча турдаги сурункали касалликлар, шу жумладан касбий ва юкумли касалликлар шу жумладан ОИВ инфекцияси, ОИТС ва ҳар қандай таносил касалликлари сугурта ҳодисаси деб тан олинмайди.

5-БОБ. СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

- 5.1. Ушбу сугурта бош шартномаси бўйича сугурта суммаси сугурта полисида (мазкур Бош шартноманинг 2-илювасига) асосан ҳар бир ҳолат учун алоҳида кўрсатилади.
- 5.2. Сугурта бош шартномаси бўйича сугурта мукофоти сугурта полисида (мазкур Бош шартноманинг 2-илювасига) асосан ҳар бир ҳолат учун алоҳида кўрсатилади.
- 5.3. Сугурта мукофоти мазкур Сугурта шартномаси томонлар томонидан имзоланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичida бир йўла тўлов билан Сугурталовчининг банк хисоб ракамига тўланади.
- 5.4. Сугурта Полиси сугурта мукофоти Сугурталовчининг банк хисоб ракамига тушган кундан бошлаб 1 (бир) банк куни ичida берилади.
- 5.5. Сугурта мукофоти тўланган кун деб, пул маблағлари Сугурталовчининг банк хисоб ракамига тушган кун хисобланади.

6-БОБ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур Сугурта шартномаси томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва « 31 » декабрь 2022 йил гача амал килади.
- 6.2. Сугурталовчининг сугурта қопламасини тўлаш бўйича мажбуриятлари сугурта мукофоти ёки унинг биринчи бадали нақд пул шаклида тўланганда у тўланган пайтдан бошлаб, нақд бўлмаган тўловда сугурта мукофоти ёки унинг биринчи бадали Сугурталовчининг хисоб ракамига келиб тушгандан кейин кучга киради.
- 6.3. Сугурта мукофоти кечиктириб тўланса, Сугурталовчининг сугурта қопламасини тўлаш бўйича мажбуриятлари Сугурталовчининг банк хисоб ракамига сугурта мукофотлари келиб тушган кундан кейинги кун соат 00:00 да кучга киради.
- 6.4. Кредит шартномаси муддати узайтирилган такдирда мазкур Сугурта шартномасининг амал қилиш муддати кўшимча келишув тузиш ва тегишли сугурта мукофоти тўлаш оркали узайтирилиши мумкин.

7-БОБ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Исталган вактда, учинчи томон манфаатларига таъсир килмаган ҳолда, ҳар қандай томон бекор қилиш тахмин килинган кундан бошлаб 30 (үттиз) кундан кечиктирмасдан бошқа томонни мазкур шартномани бекор қилиш ҳакида ёзма хат билан огохлантириш хукукига эга.
 - шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;
 - Сугурта килдирувчи мазкур шартномадаги мажбуриятларини тўлик бажарганда;
 - томонлардан бирининг талабига кўра шартнома бекор килинганда;
 - Сугурта килдирувчининг талаби (ташаббуси) билан ушбу шартнома шартлари Сугурталовчи томонидан бузилган ҳолларда;
 - ваколатли суд карорига кўра мазкур шартнома ўз кучини йўқотган деб зътироф этилганда;
 - Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;
- 7.2. Сугурта килдирувчи сугуртадан муддатдан аввал сабабсиз воз кечганда ва/ёки карздорнинг кредит шартномаси бўйича карзини муддатидан олдин кайтариши натижасида муддатидан олдин бекор қилинганда сугурта мукофоти кайтарилимайди.
- 7.3. Сугурта килдирувчи сугуртадан Сугурталовчи шартнома шартларини бузгандиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, сугурта мукофоти сугурта даврининг ўтмаган даврига нисбатан хисоблаб кайтарилади.
- 7.4. Агар сугурта бош шартномаси тузилганидан сўнг, Сугурта килдирувчи Сугурталовчига сугурта ходисаси вужудга келиши эҳтимолини аниклаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида била турлиб, ёлғон маълумотлар берганлиги аникланса, Сугурталовчи сугурта бош шартномасини бекор деб тан олинишини талаб этишга ҳакли.

8-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 8.1. Сугурта килдирувчининг хукуклари:
 - 8.1.1. Сугурталовчи билан келишилган ҳолда сугурта Шартномасига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиши;
 - 8.1.2. Сугурта шартномаси амал қилиш бутун муддати ичida Сугурталовчидан сугурта масаласи бўйича маслаҳат олиши;
 - 8.1.3. Сугурта Полиси йўколган тақдирда унинг дубликатини олиш.
 - 8.2.3. Мазкур сугурта шартномасига мувофик сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товонини олиш.
- 8.2. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:
 - 8.2.1. Сугурталовчига рўй берган сугурта ходисасининг ҳолатларини ва сабабларини текширишда ёрдам кўрсатиш, ҳамда сугурта Шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймасликка қаратилган барча чораларни кўриши.

8.2.2. Шартноманинг амал қилиш даврида, ва шартнома тузилаёттанды Сугурталовчига сугурта таваккалчилигини баҳолаш учун ахамиятли ҳолатлар тўғрисида маълум қилиши, ва маълум қилинган ҳолатларда ўзгариш юз берганилиги маълум бўлса, ва ушбу ўзгаришлар сугурта ходисаси рўй бериши эҳтимоллигини оширса, Сугурталовчига унга маълум бўлган ўзгаришлар тўғрисида дархол хабар бериши;

8.2.3. Қарздорининг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан сугурталовчига унинг сўровига мувофиқ ўз вактида маълумот тақдим этиши.

8.2.4. Кредит шартномасида кўрсатилган кредит муддатининг тугасига 30 кун қолганда кредитнинг сўндирилиши ҳолати бўйича ёзма хабарнома бериши.

8.2.5. Тўланган сугурта товони доирасида Қарздорга талаб қўйиш бўйича барча хукукларини Сугурталовчига ўтказиши.

8.2.6. Сугурта килдирувчининг юридик манзили ўзгарданда бу ҳакида Сугурталовчига 10 (үн) кундан кечикитирмасдан хабар бериши.

8.3. Сугурталовчининг хукуклари:

8.3.1. Томонларнинг келишувига мувофиқ мазкур сугурта бош шартномасига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш;

8.3.2. Сугурта килдирувчи томонидан Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан ва/ёки сугурта ходисаси рўй бериш факти юзасидан нотўри маълумот берилса сугурта ходисаси рўй берганилигини рад этиш;

8.3.3. Сугурталовчи томонидан мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажармаса ёки тўлик бажармаси сугурта товонини тўлашни рад этиш;

8.3.4. Мазкур шартноманинг 9.1.-бандига мувофиқ сугурта ходисаси содир бўлганлиги ҳакида ўз вактида хабар бермаси сугурта товонини тўлашни рад этиш;

8.3.5. Сугурта килдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳамда Қарздорнинг мазкур сугурта бош шартномаси ва кредит шартномаси шартларини бажариши билан боғлиқ маълумотларни текшириш;

8.3.6. Сугурта килдирувчининг сугурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги талаби бўйича жавобгарлигини бажарганидан сўнг, Сугурта килдирувчидан тўланган сугурта товони доирасида Қарздордан талаб қўйиш бўйича барча хукукларини Сугурталовчига ўтказишини талаб қилиш;

8.3.7. Сугурта калтислиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгиловчи ҳужжатларни талаб қилиши. Агар мазкур сугурта бош шартномасининг амал қилиш даврида сугурта калтислиги даражаси ўзгарса, сугурта мукофоти микдори ҳам ўсиш ёки камайиш тарафига кайта кўриб чикилиши мумкин.

8.4. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

8.4.1. Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан ва вужудга келган ҳодиса сугурта ходисаси сифатида тан олинганидан сўнг, сугурта ходисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 (үн) банк иш куни ичida Сугурта килдируvchiga сугурta тўловини амалга ошириш;

8.4.2. Сугурта шартномаси амал қилиш бутун муддати ичida Сугурта килдируvchiga сугурta масаласи бўйича маслаҳат бериши;

8.4.3. Сугурта Шартномасининг амал қилиш даврида Сугурта килдируvchidan олинган маълумотлар маҳфийлигини саклаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Сугурталовчи маълумотни давлат органларига тақдим этишга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

9-БОБ. СУГУРТА Даъволарини КўРИБ ЧИКИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Қарздорнинг қарздорликни кайтариши Кредит шартномасида белгиланган муддатдан 60 (олтмиш) кундан ошиб кеттанды Сугурта килдируvchi 5 (беш) банк куни ичida бу ҳакида Сугурталовчини ёзма хабардор қилиши шарт. Сугурта килдируvchi Сугурталовчига сугурта товонини тўлаб бериш бўйича кутиш даври ўтгандан кейин талаб қўйиши мумкин.

9.2. Сугурталовчига сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги тадабни тақдим этганида, Сугурта килдируvchi қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза;
- Сугурта Полисининг асл нусхаси;
- кредит шартномаси нусхаси ва кредит бўйича қарздорликни кайтариш жадвали;
- муддати ўтган кредит қарздорликни тасдиковчи маълумотнома;
- ушбу сугурта ҳолатига алокадор бошқа ҳужжатлар;

9.3. Мазкур ходисага тегишли барча ҳолат, маълумот ва ҳужжатларни ўрганиб чикканидан сўнг, Сугурталовчи бўлиб ўтган ходисани сугурта ходисаси сифатида тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида карор чикаради. Даъвони кўриб чикиши муддати, Сугурта килдируvchi томонидан сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин 10 (үн) кунни ташкил этади. Сугурта килдируvchi томонидан 9.2-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, Сугурталовчи улар тақдим этилгунга кадар, мурожаатни кўриб чикишини тўхтатиб туришга ҳакли.



9.4. Сугурталовчи томонидан юз берган ходиса сугурта ходисаси сифатида тан олинган тақдирда, тўланиши лозим бўлган сугурта товонининг миқдори аниқланади ва сугурта ходисаси тўғрисидаги Далолатномада кўрсатилади, мазкур Далолатнома Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи томонидан имзоланади.

9.5. Томонлар ўртасида зарар сабаби ва миқдор бўйича низо вужудга келганда мустакил экспертиза ўтказилиши мумкин.

9.6. Юз берган ходиса сугурта ходисаси деб тан олинмаса, Сугурталовчи Сугурта килдирувчини улар сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этгандаридан кейин (10) ўн кундан кечирилмай рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган карори тўғрисида ёзма равишда хабардор килади.

10-БОБ. СУГУРТА ТОВОНИНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Сугурталовчи томонидан сугурта товони сугурта ходисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) банк иш куни ичидан тўланади.

11-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлик ёки тўлик бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонуучилигига белгиланган тартибда бир хил жавобгар бўладилар.

12-БОБ. СУБРОГАЦИЯ

12.1. Сугурта килдирувчининг зарари учун жавобгар шахсдан талаб килиш ҳукуки тўланган сугурта товони суммаси доирасида Сугурталовчига ўтади.

12.2. Сугурта килдирувчи сугурта товонини олганда, Сугурталовчига барча зарур хужжатларни бериши шарт ва сугурта ходисаси вужудга келиши учун жавобгар шахсга нисбатан Сугурталовчи қайта талаб килиш (регистресс) ҳукукини амалга ошириши учун зарур барча чораларни кўриши шарт.

12.3. Агар Сугурта килдирувчи Сугурталовчи томонидан копланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб килиш ҳукувидан воз кечса ёки бу ҳукукини амалга ошириш Сугурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи сугурта товонини тўлик ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва сугурта товонининг ортиқча тўланган суммасини қайташни талаб килишига ҳакли бўлади.

13-БОБ. ФОРС-МАЖОР

13.1. Агар томонлар мазкур сугурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар, уруш ва бошка сиёсий қалтисликлар (харбий бостириб кириш харакатлари (уруш эълон қилинганми ёки йўклигидан қатъий назар), исён, революция, иш ташлаш, фуқоролик галаёнлари, терористик актлар, фуқоролик урушлари, реквизиция, конфискация, Ўзбекистон Республикасининг маҳсус ваколатли органи томонидан мулкка эгалик ҳукувидан доимий ёки вактинчалик маҳрум этиш (форс-мажор) оқибатида бажармасалар, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида колган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган ҳолатлар вужудга келганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишида хабардор килиши, ҳамда бошка томонга тегишли хужжатни тақдим этиши шарт. Форс-мажор ҳолат юз бергани ваколатли орган томонидан тасдикланади.

13.2. Томонларнинг ёки исталган томоннинг жавобгарлигини амалга оширишга тўқсиналик қилувчи енгиб бўлмас ҳолатлар 90 календар куни ёки ундан ортиқ давом этса, ушбу сугурта шартномаси, томонларнинг бир бирига ўзаро дайвосисиз бекор қилинган ҳисобланади.

14-БОБ. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1. Сугурта килдирувчи Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш тўғрисида"ги Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирияти ва Бонг прокуратура ҳузуридаги Иктисадий жиноятларга карши курашиш департamenti 2009 йил 13 октябрдаги "Сугурталовчилар ва сугурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари"да таъкидланган шубҳали операциялар хусусида огоҳлантирилган. Ушбу Қарорга риоя килишининг юридик масъулияти Сугурта килдирувчи зиммасига юклатилади.

15-БОБ. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Ушбу сугурта шартномасига киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишида расмийлаштирилиб имзоланган ҳолда ҳақиқийдир.



15.2. Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ушбу Шартнома мавжудлиги ва унинг мазмунини тегишли томоннинг олдиндан берадиган ёзма розилигисиз хар кандай учинчи томонга ошкор килмасликка рози бўлади ва тасдиклайди. Махфий маълумотларни ошкор килган томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўра жавобгар бўлади.

16-БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Мазкур Шартномадан чикиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади.

16.2. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент туманларaro иқтисодий судида ҳал этилади.

16.3. Мазкур сугурта Шартномаси бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхада тузилган ва имзолangan бўлиб, хар бир тарафда биттадан нусха сакланади.

16.4. Мазкур сугурта Шартномасида акс эттирилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги билан тартибга солинади.

17-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Сугурталовчи
« ISHONCh » БСК ҚҚ
Сугурталовчининг номидан ва топшириғига асосан
Коракалпогистон Республикаси филиал

Нукус шаҳар, Атажол кучаси 18 уй, 32 хона
тэл.: 95 601-69-56, 97 355-57-33
факс: 95 601-03-18
x/r 2021 6000 3006 0029 8115
АТБ «Invest Finance Bank»
Коракалпогистон Респ. филиали да
Банк коди: 01139
СТИР: 201 929 119; ХХТУТ: 96220

Директор
Жалалов Б. К.

Юрист
С. Султанов



Сугурта килдирувчи
АТБ «Халк банк» Коракалпогистон
Республикаси Амударя тумани филиали

Амударя тумани, Мангит шаҳри, Бердаҳ кучаси ракамсиз
уй
тэл.: 97 506-17-02
факс:
x/r 1610 3000 3000 0063 4001
АТБ Халк банк Амударя тумани филиали да
Банк коди: 00634
СТИР 200 376 563 ; ХХТУТ:



Юрист
Т. Абдуллаев